2010 йил 17 август, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 159 (11.720) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2010 йил — Баркамол авлод йили

## БЕҒУБОР ОРЗУ-УМИДЛАР ИЖОБАТИ

### «Ниҳол» мукофотининг янги соҳиблари аниқланди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлод онги ва қалбида эзгу ғояларни қарор топтириш, уларни юксак инсоний фазилатлар, мустақил ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида миллий санъатимиз, жумладан, мусиқа санъатини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилгани миллий мусиқа санъатимизни янада равнақ топтириш, ғоявий-бадиий теран асарларни яратиш, ўз услубига эга қобилиятли ижрочиларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бераётгани бунинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» саройида ушбу мукофотнинг 2010 йилги соҳибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ихлосмандлари, мусиқа соҳасида изланаётган ёшлар, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақил демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини янада оширишдек улуғ мақсадлар йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, беғубор орзу-умидларига қанот бағишлаш, уларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

**Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган «Энг буюк, энг азиз қадрият» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.**

## ЭНГ БУЮК, ЭНГ АЗИЗ ҚАДРИЯТ

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинарда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган мустақил тараққиёт йўли Ватанимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, маънавият ва маърифат борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини таъкидлади. Халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр ва оқибат, бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойилининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани – истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиздир.

Семинарда таъкидланганидек, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, дину диёнатимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани баробарида ҳар бир юртдошимизнинг ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишларнинг амалга оширилаётгани ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишга хизмат қилмоқда.

Шу кунларда Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги муассаса ва ташкилотлар, маҳаллаларда турли учрашув ва мулоқотлар, маърифий анжуманлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда истиқлол йилларида барча жабҳаларда эришилган ютуқларимиз, кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти аҳолининг кенг қатламлари ўртасида самарали ва таъсирчан тарзда, ёрқин мисоллар ёрдамида, кенг ва атрофлича тушунтирилмоқда.

Семинарда бундай учрашувларни турли вазирлик ва идоралар, ишлаб чиқариш корхоналари, шифо масканлари, Меҳрибонлик, Саховат уйлари, маънавият ва маърифат масканлари, ахборот-ресурс марказларида ҳам кенг кўламда юқори савияда ташкил этиш, уларга олимлар, илғор педагоглар, санъаткорлар, мусаввирлар, илм-фан, таълим, спорт, санъат ва маданият соҳаларида алоҳида ютуқларга эришаётган иқтидорли ёшларни фаол жалб этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан ўтказилаётган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларининг долзарб йўналишлари белгилаб олинди.

**(ЎзА)**

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

## МАМЛАКАТИНГИЗДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида нуфузи ва мавқеи ошиб бораётгани давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат маҳсулидир. Буни юртимизга ташриф буюрган, мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар гувоҳи бўлаётган хорижлик сайёҳлар ҳам эътироф этмоқда, деб хабар беради ЎзА.**

**Анна Мария ЧИЧЧИ, ўқитувчи (Италия):**

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Бу ерга келиб кетган ҳамюртларим таърифлаганидек, Ўзбекистон мўъжизалар мамлакати экан. Бухоро ҳақида кўп эшитганман. Лекин минг эшитгандан бир кўрган афзал, дейдилар. Қадимий шаҳарнинг тарихий обидалари мени ҳайратга солди. Аждодларингиз яратган ноёб меъморлик санъати намуналари эъзозлаб келинаётганига, халқингиз бу меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаётганига гувоҳ бўлдим.

Ҳунармандлик расталари ва устахоналарни томоша қиларканман, зардўзи буюмлар, ранг-баранг нақшлар билан безалган шоҳи сўзаналар, бежирим гиламларни кўриб, завқим ошди. Бу санъат асарлари юртингизда миллий ҳунармандликни ривожлантиришга, ёшларни боқий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашга қаратилаётган эътибордан далолатдир.

**Григорий ЮСУПОВ, тадбиркор (Исроил):**

– Исроилликлар Президент Ислом Каримов юритаётган ички ва ташқи сиёсатни яхши билишади. Мустақиллик халқингизнинг кенг имкониятларини, бунёдкорлик салоҳиятини юзага чиқарди. Йўллар, кўчалар обод, бозорлар тўкин. Энг муҳими, юртингиз тинч, осойишта. Одамларнинг ўз ҳаётидан мамнун экани нигоҳларидан сезилиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** тарихи давлат музейида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида юртимиз Истиқлолининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда адлия идоралари ходимлари иштирок этди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** экологлар, тадбиркорлар иштирокида ўтказилган тадбир озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

✓ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан Шайхонтоҳур тумани «Раҳбар аёллар» клуби ва «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоат жамғармаси билан ҳамкорликда тайёрланган «Қирққиз» қалъасининг сири» ҳужжатли фильми премьераси бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Мустақиллик байрами арафасида Қўшработ туманида пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган янги завод иш бошлади. Корхона йилига 12 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бу ерда юзга яқин ёшлар иш билан таъминланди.**
- **«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган медиа-оромгоҳ иштирокчилари – юздан ортиқ фаол ёшлар Наманган шаҳрида бўлди.**
- **Самарқанд шаҳрида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Британия Кенгаши ҳамкорлигида «Иқлим ўзгариши — оммавий ахборот воситалари нигоҳида» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда бугунги кунда иқлим ўзгариши масаласи долзарб экологик муаммо эканлиги таъкидланиб, унинг сабабларини чуқур ўрганиш, уларни бартараф этиш ва мослашув йўлларини топиш борасида амалга оширилаётган ишлар борасида ахборот берилди.**
- **Беруний туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда олтмишга яқин ташкилот 260 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир якунида 182 нафар киши иш билан таъминланди, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлардир.**
- **Ғиждувон туманидаги Ф.Юнусов номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона фаолият бошлади.**
- **Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги «Рўзибону» фермер хўжалиги ўз фаолиятини кенгайтириб, музқаймоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линияни ишга туширди. Бунинг учун фермер хўжалиги банкдан олинган 385 минг евро миқдоридаги кредит ҳисобига Италиядан илғор технологиялар олиб келиб ўрнатди. Ҳозирги кунда бу ерда соатига уч минг дона пломбирли музқаймоқ тайёрланиб, савдо дўконларига етказилмоқда.**
- **«Микрокредитбанк»нинг Андижон филиали ҳамда касб-ҳунар таълими бошқармасининг ўзаро ҳамкорликдаги дастурига мувофиқ, Андижон туманидаги коллеж битирувчиларининг 50 нафарига имтиёзли микрокредит олишни кафолатловчи сертификатлар топширилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Эртага БМТ Бош ассамблеясининг Нью-Йоркдаги йиғилишида ушбу ташкилот Бош котиби Пан Ги Мун жаҳон ҳамжамиятига сув тошқинларидан жабрланган Покистонга ёрдам кўрсатиш чақириғи билан чиқади. Ҳозирча ушбу мамлакатга жаҳон банки 700 миллион евро, АҚШ эса 60 миллион доллар миқдорида кўмак кўрсатди.**
- **Кеча Колумбиянинг Сан-Андрес оролида ушбу мамлакат авиакомпаниясига қарашли Боинг-737 самолёти ҳалокатга учради. Аэропортга қўниш чоғида самолётнинг бўлиниб кетиши натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, қолган 132 нафар йўловчиларнинг кўпчилиги турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Тахминларга кўра самолёт ҳалокатига яшин урганлиги сабаб бўлган.**
- **Россияда ўрмон ёнғинларининг катта қисмини жиловлашга муваффақ бўлинди. Жумладан, 14 та минтақада фавқулодда ҳолат режими бекор қилинди. Бироқ, мамлакатда ҳавонинг кескин ўзгариши рўй бермоқда. Жумладан, кеча Санкт-Петербургда довул билан кучли жала қуйиши катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Шаҳар атрофидаги 250 та аҳоли пунктлари электр қувватидан узилиб қолди.**
- **Кеча Женевада «Ер шарини 80 кунда айланиб чиқамиз» шиори остида халқаро экологик автопойгалар бошланди. БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури бўйича уюштирилаётган ушбу пойгада Австралия, Германия ва Швейцариянинг экологияга мутлақо зарар етказмайдиган электромобиллари иштирок этмоқда.**
- **Никарагуа полицияси мамлакат пойтахтида ўтказилган махсус операция чоғида гиёванд моддалар олиб кетилаётган 13 та автомашина ва бу ишда гумондор деб топилган уч кишини қўлга олди.**
- **Хитойнинг Ганьсу музофотида рўй берган ер кўчкиси оқибатида ҳалок бўлганлар сони 1144 нафарга етди. Айни пайтда қутқарувчилар бедарак йўқолган 600 кишини қидиришда давом этмоқдалар.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

**Ушбу мавзу ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришдан аввал, муҳтарам Президентимизнинг «...маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан сингади» деган пурмаъно сўзлари юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро учун ўзлигимизни англашга, катталарга эътибор, кичикларга иззат, она-Ватанга ҳурмат, тинчлик-хотиржамликка шукрона қилишимизга, ёшларимизни турли оқимлар таъсиридан муҳофаза қилиб, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда мустақил фикрлаш ва яшаш кўникмаларини такомиллаштиришга шак-шубҳасиз хизмат қилишини таъкидлаб ўтмоқчи эдим.**

## МАЪРИФАТ — КЎНГИЛ РАВШАНЛИГИ

Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи тизимларида ўтказилаётган ҳар бир тадбир давомида маънавияти бут, тўкис бўлган инсон ҳаётни чуқур, теран ҳис қила олиши, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат ва эътибор устувор бўлган соғлом маънавий муҳитнинг яратилишига, ўзаро меҳр-оқибат жамиятнинг оммавий ва эзгу фазилатига айланишига кўмаклаша бориши ҳақида тегишли тушунчалар бериб борилмоқда.

Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек, кўҳна юртимизда яшаб ўтган кўплаб бошқа буюк алломаларнинг ҳаёти, фаолиятига оид бўлган мавзулардаги ҳар бир тадбирни жонли ва эсда қоларли тарзда ўтказиш учун Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Ўзбектеатр», «Ўзбеккино», «Ўзбектелефильм», Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи мутахассислари таклиф этилади.

Бундан ташқари, солиқ органлари тасарруфига кирувчи ўқув юртлари бўлмиш Солиқ академияси, Тошкент, Бухоро ва Фарғона солиқ коллежларида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчилар иштирокида ўтказилаётган анжуманларда ёшлар келгусида албатта солиқ органларида ишлаб, фаолиятини давом эттирсада, шу билан бир қаторда уларнинг ҳар бири ўзлигини чуқур англаши, тарихимизни, она тилимизни, маданиятимизни чуқур ўрганиши лозимлиги тушунтириб ўтилади.

Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган музей ҳам тизим ходимлари, ёшлар, мамлакатимизга ташриф буюраётган чет эллик ҳамкасбларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Музейга ташриф буюрган ҳар бир инсон мамлакатимиз солиқ тизимининг тарихи ва ҳозирги вақтда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусидаги маълумотлар билан яқиндан танишади.

**Ғуломжон МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси касаба уюшмаси раиси**

**Ёзнинг иссиқ кунларида тоғлар бағридаги хушманзара, соя-салқин сўлим оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқариш билан бирга санъатга ошно бўлиб, спорт билан ҳам шуғулланиб, бўш вақтини унумли ўтказаётган болаларни кўриш кишига яхши кайфият бағишлайди. Болаликдан илму ҳунарга, санъатга, спортга кизиққан ғайратли инсон эса келгусида албатта ўз мақсадига етади.**



## САНЪАТ ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ



Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Юсуфхона қишлоғи ҳудудида жойлашган «Чотқол» оромгоҳида «Чотқол дўстларни чорлайди» анъанавий болалар ижодиёти фестивали ўтказилди. Баркамол авлод йилига бағишланган санъат байрами мазмундорлиги, ўзига хос файз-тароватi билан барчага қувонч, завқ-шавқ бағишлади. Тадбирда оромгоҳга қўшни ҳудуддаги «Фазогир Гагарин», «Конструктор», «Металлург», «Олимпиячи» ва мезбон «Чотқол» оромгоҳларида дам олувчи болажонлар Ватан, дўстлик, бахтиёр ёшлик ҳақида куйлаб, гўзал миллий ва жаҳон халқлари рақсларини ижро этишди.

— Болаларнинг санъат соҳасидаги қобилиятини, меҳр-муҳаббатини, улар чеҳрасидаги қувончни кўриб, ғурурландим. Фарзанд тарбиясига ёшликдан эътибор кучайтирилса, ўз мевасини беради. Ватанпарварлик руҳи сингдирилган, миллий ва умуминсоний қадриятларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган, тарбиявий аҳамият касб этган санъат байрами Баркамол авлод йилида ўтказилиши теран мазмунга эга бўлиб, ўзига хос файз-тароватi билан барчада, айниқса азиз болаларда унутилмас таассурот қолдирди,— деди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шаҳодат Тўлаганова.

**Усмон ФАТТОҲОВ**

## ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

**Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, спортнинг оммавийлигини ошириш, маҳоратли спортчиларни тарбиялаб, камол топтириш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.**

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидаги ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар мактаблари тарбияланувчилари яккакураш бўйича мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Юнон-рум кураши бўйича Навоий шаҳрида вилоят ҳокимининг соврини учун ўтказилган халқаро турнирда умидли спортчимиз Александр Лохов биринчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида Музаффар Дўсметов ғолиб чиқди. Кураш бўйича Лондонда ўтказилган халқаро турнирда Шерали Жўраев, Ўктам Эргашев, Ўғилой Нуралиева, Шоҳида Назарова биринчи ўринга сазовор бўлишди. Андижон шаҳрида ўтказилган Универсиада мусобақаларида Шерали Жўраев яна бир бор истеъдодини намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллади, Зафар Бўриев эса учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Мажмуавий ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчилари спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, теннис, гандбол, сузиш бўйича мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Жумладан, Л.Галиулина яқинда Москва шаҳрида ўтказилган спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги босқичида ғолиб бўлди. Д.Ҳакимова бадиий гимнастика бўйича Чимкент шаҳри (Қозоғистон)да ўтказилган халқаро турнирда иккинчи ўринни эгаллади. Эвелина Калишер бадиий гимнастика бўйича мамлакат очиқ чемпионати кўпкураш баҳсида иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. «Универсиада-2010»да теннис бўйича баҳсларда Рифат Биктяков шахсий биринчиликда биринчи ўринни эгаллади, сузиш бўйича Ольга Гнедовская тўртта олтин медални қўлга киритди. Гандбол бўйича аёллар ўртасида Тошкентда ўтказилган мамлакат биринчилигида пойтахт жамоаси биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Енгил атлетика бўйича мамлакат ва халқаро миқёсдаги турнирларда касаба уюшма спортчилари мамлакатимизнинг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиб, шоҳсупадан ўрин эгаллаб келмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги мамлакат биринчилигида О.Глуховкина югуриш баҳсида, И.Худойбергенов узунликка сакрашда, А.Верхоновский баландликка сакрашда шоҳсупанинг юқори поғонасини забт этишди. Чимкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё мамлакатлари ўсмир спортчилари ўртасидаги турнирда Валерия Канатова уч хатлаб сакрашда, О.Глуховкина 200 метрга югуришда ғалаба қозонишди. Д.Аҳмедова узунликка сакрашда иккинчи, А.Резниченко уч хатлаб сакрашда учинчи ўринларни эгаллашди. Ҳиндистонда ўтказилган Гран-при мусобақасида Гўзал Хуббиева 100 метрга югуришда зафар қозонди.

Касаба уюшма спортчилари халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳисса қўшиш борасида куч-ғайратини аямайди.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ**

**Ёзнинг иссиқ кунларида тоғ бағридаги енгил шабада эсган, хушманзара, соя-салқин оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш ғоят ёқимлидир. Жаннатмакон она-юртимизнинг пурвиқор тоғлар бағридаги пойтахт корхона ва ташкилотлари тасарруфидаги соғломлаштириш оромгоҳларида болажонлар мириқиб хордиқ чиқармоқда. Уларнинг ёқимли овози, қувноқ кулгуси, мусиқа садолари билан оромгоҳлар янада файзлидир.**

## ТОҒ БАҒРИДАГИ ТАЪТИЛ

«Технолог» акциядорлик жамиятига қарашли «Камалак» соғломлаштириш оромгоҳи Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғи ҳудудида жойлашган. Оромгоҳда айни пайтда беш юздан зиёд ўғил-қиз дам олмоқда. Кутубхона, тўгараклар, спорт майдончалари, сув ҳавзаси болалар хизматида.

Кутубхонада беш минг нусха китоб сақланади. Болалар китоб ўқишни яхши кўради. Расм чизиш, дизайн, лойдан буюмлар ясаш, ёғоч ўймакорлиги, бисер тикиш, компьютер саводхонлиги, қоғоздан гуллар ясаш бўйича тўгаракларга эса улар ўз қизиқиши бўйича қатнашади.

– Мен 12 ёшдаман. Тошкент шаҳридаги 294-мактабнинг 6-синф ўқувчисиман. Келажакда юрак жарроҳи бўлишни орзу қиламан. Шифокорлик одамларга наф келтиради, – дейди қатъият билан Малика Зокирова. – Оромгоҳда дизайн тўгарагига қатнашяпман. Расм чизишни ҳам яхши кўраман. Менинг назаримда, расм чизиш бу гўзаллик яратишдир...

– Дарҳақиқат, гўзаллик инсонни камолотга етаклайди. Бола қалбида эзгуликка муҳаббатни сингдириш, унинг келажаги порлоқ бўлишига хизмат қилади, – деди 161-мусиқа мактаби ўқитувчиси Нурия Идрисова. – Оромгоҳларда 20 йил ишладим. «Радуга» оромгоҳида маънавият ва маърифат хонасига раҳбарлик қилаяпман. Кўплаб тадбирлар ўтказмоқдамиз. Болаларнинг давлат рамзлари ҳақидаги билими бўйича кўрик-танловлар, турли мавзуларда тестлар тез-тез уюштириб борилади. Бари, албатта, фарзандларимиз маънавияти юксалишига хизмат қилади.

Сўлим Хондайлиқ қишлоғи ҳудудида «Автомобилчи» оромгоҳи жойлашган. Бу ерга фарзандини кўриш учун келган ота-оналар оромгоҳ ёнида барпо этилган шинам шийпончаларда тоғ ҳавосидан ҳузур қилиб хордиқ чиқаради.

– Касбим – педагог, – дея сўз бошлади кутубхона мудири Гулшан Тоштемирова. – Ҳар бир бола ўзгача дунё. «Моҳир қўллар», спорт тўгаракларида бола ўзининг қизиқишига қараб қатнашади. Жумладан, радиотўгарагида болалар шеър, қўшиқлар, эртаклар, ҳикоялар ўқиб, сухандонлик истеъдодини, адабиётга, санъатга муҳаббатини намойиш этади. Радиоэшиттириш бирор муҳим мавзуга бағишланиб, шу орқали боланинг мустақил фикрлаш қобилияти ўстирилади.

«Ўзкабель» акциядорлик жамиятига қарашли «Зилола» оромгоҳида «моҳир қўллар», сартарошлик, инглиз тили, рақс, вокал тўгаракларида болалар фаол иштирок этмоқда, спорт тўгаракларида баскетбол, волейбол, теннис, футбол билан шуғулланади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими томонидан оромгоҳда қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.

– Ҳар бир бола кичиклигидан бирор нарсага албатта қизиқади, – дейди «Моҳир қўллар» тўгараги раҳбари Анна Фискова. – Унинг қобилиятини ўстириб бориш керак. Болажонлар ясаган буюмлардан ҳосил бўлган ўзига хос кўргазма киши кўзини қувонтиради. Меҳнатимиз зое кетмаётганидан хурсандмиз.

Оромгоҳларда болалар қалбига сингдирилаётган эзгу ниятлар келажакда албатта ўз самарасини беради.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

## МАМЛАКАТИНГИЗДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**Рамбо ФИЛИП, дастурчи (Франция):**

– Тезкор замонда, ахборот асрида яшамоқдамиз. Лекин Ўзбекистондаги бунёдкорлик ва янгиланиш шиддати янада илдам. Уч йил илгари келган эдим. Шу қисқа вақтда катта ўзгаришлар юз берибди. Бу мамлакатингизнинг барқарор иқтисодий тараққиёти ифодасидир.

Саёҳат дастурига кўра, шаҳардан шаҳарга ўтиб борарканмиз, қишлоқларингиз обод манзилларга айланаётгани яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон раҳбарининг бевосита ғамхўрлиги туфайли қишлоқ аҳолиси учун замонавий уй-жойлар қурилаётгани ибратли иш. Юртингизда инсон манфаатлари устуворлиги ҳар соҳада ва ҳар жабҳада яққол намоён бўлиб турибди.

Мамлакатингизда, хусусан, дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири Бухорода ноёб осори-атиқаларни асраш мақсадида кенг кўламли таъмирлаш ишлари, уларни келгуси авлодларга етказишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётгани қувонарли. Масжиди Калон, Минораи Калон каби улуғвор, маҳобатли обидалар олдида турибмиз. Ҳаммаси накадар ажойиб... Бундай ёдгорликлар Бухорода кўп экан. Улар халқингизнинг бебаҳо маданий-маънавий мероси ва бойлигидир.

**Сергей ЛЕБЕДЕВ, муҳандис (Россия):**

– Бухорога келган киши Шарқ эртакларида кезгандек ҳис қилади ўзини. Кўҳна обидалар аҳоли уйлари билан ёнма-ён жойлашгани ўтмиш муҳитини эслатади. Бу шаҳарнинг очиқ осмон остидаги музей сифатида танилгани бежиз эмас.

Бухорога аввал ҳам келганман. Ўтган вақт – таққослаш учун яхши имконият. Бухорода сервис хизмати жаҳон андозаларига мос ривожланмоқда. Янги хусусий меҳмонхоналар қад ростлабди. Уларда кўҳна шаҳарнинг азалий меъморий услуби ва замонавийлик уйғунлашиб кетган. Бухоро қадимийлик ва замонавийликни мужассам этган шаҳар сифатида таассурот қолдиради. Бу ерга келган киши яна келишни истайди.

**Ли Хёнг У, ўқитувчи (Жанубий Корея):**

– Ўзбекистонни, унинг қадимий шаҳарларини илк бор кўриб турибман. Мустақиллигининг 19 йиллигини нишонлаш арафасида турган мамлакат нисбатан қисқа муддатда ғоят катта ютуқларга эришибди. Ўз меҳнати натижасида тараққиёт йўлида илғор марраларни қозонаётган халқ бой маданий мероси билан ҳам ҳар қанча фахрланса, арзийди.

Ота-боболари қолдирган меросни асраган халқ – маънавияти юксак халқдир. Ўзбекистонга, жумладан, ўзига хос обидаларга бой Бухорога сафарим давомида шу ҳақиқатни яна бир бор хаёлдан ўтказдим.

**Эркин ЁДГОРОВ**
**суҳбатлашди.**

## БЕҒУБОР ОРЗУ-УМИДЛАР ИЖОБАТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Бу жиҳатлар мусиқа санъатини ривожлантириш орқали ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари илҳомлантиришдек эзгу ишларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Юртимизда ўтказилаётган турли фестиваль ва танловлар иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг ижодини тарғиб ва ташвиқ этиш, фаолиятини янги, янада юксак талаб ва мезонлар асосида ташкил этиш имконини бермоқда.

Ёш истеъдодларни кашф этишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофотининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта.

Ҳар йили ушбу кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари юқори савияда, кўтаринки ва байрамона руҳда, айни пайтда қатъий бадиий талаб ва мезонлар асосида ўтказилаётгани, унда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафи кенгаяётгани «Ниҳол» мукофотининг нуфузи ошиб бораётганидан далолатдир. Жумладан, танловнинг жорий йилги туман, шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги саралаш босқичларида ўн минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этгани бунинг далилидир.

Ушбу мукофот учун ўтказилган танлов эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги, рақс санъати йўналишларида бир неча босқичда ўтказилди. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги ёш истеъдодларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда мукофот учун саралаш кўрик-танловлари кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида ғоят қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

2010 йилда «Ниҳол» мукофотига мумтоз қўшиқчилик йўналиши бўйича – Лола Махаматдинова, Жанибек Пиязов (Қорақалпоғистон Республикаси), Рўзихон Нурматова (Андижон вилояти), Юлдуз Турдиева (Бухоро вилояти), Сайёра Маматқулова (Фарғона вилояти), эстрада санъати йўналиши бўйича – Малика Эгамбердиева (Наманган вилояти), Мадинабону Мусаева «Дурдона» гуруҳи (Тошкент шаҳри), опера ижрочилиги бўйича – Маъсумахон Болтабоева, Барнохон Исматуллаева (Тошкент шаҳри), рақс санъати йўналиши бўйича Нигина Шорахметова (Тошкент шаҳри), Дилноза Ортиқова (Хоразм вилояти) лойиқ топилди.

– Юртимизда ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, юксак маънавиятли инсон бўлиб вояга етиши, ўз қобилияти ва иқтидорини кенг намоён этиши учун барча шароит яратилган, – дейди ЎзА мухбирига «Ниҳол» мукофоти совриндори, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг мусиқа факультети талабаси Лола Махаматдинова. – Биз, ёшлар бундай имкониятларга муносиб бўлмоғимиз, ўз ижодимиз, меҳнатимиз билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, унинг саодатли неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшмоғимиз даркор.

Тадбирда совриндорларга мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА**

Ёшлар — келажагимиз

# ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ МАСКАН

**Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб voяга етиши масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу мақсадларга эришиш йўлида таълим тизимидаги ислоҳотларнинг узвийлигига алоҳида аҳамият берилаётгани таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил топиши ҳам таълим тизимидаги ислоҳотларнинг самараси, дея баҳоласак адашмаймиз.**









«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси майдони 658 гектардан иборат бўлиб, тўққизта маҳалла шу ҳудудда жойлашган. «Зиё», «Университет», «Беруний майдони», Баҳовуддин Нақшбанд номли, «Хислат», «Шифокорлар» маҳаллалари 126 та кўп қаватли уйлар доирасида ташкил қилинган. Шаҳарчада 24 та таълим муассасаси жойлашган бўлиб, улар жумласига республикамиздаги энг нуфузли Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент маданият, хизмат кўрсатиш ва сервис, С.Раҳимов политехника ҳамда тиббиёт коллежлари, Глиэр номли Республика махсус мусиқа академик лицейи, бир нечта малака ошириш институтлари киради. Тошкент давлат юридик ва Тошкент Молия институтлари ўқув биноларининг бир қисми ва талабалар турар жойлари ҳам ушбу масканда жойлашган.

— Шаҳарчамиз ўз номи билан талабаликнинг олтин даврини эслатиб турадиган нурафшон маърифат масканидир, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурот Чориев биз билан суҳбатда. – Мустақиллик шарофати билан кундан-кунга кўркамлашиб, янада чирой очиб бораётганидан мамнунмиз. Бу муқаддас гўшада илмга чанқоқ ёшлар таълим-тарбия олиб, шу ернинг ўзида истиқомат қиладилар. Бир сўз билан айтганда, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси мамлакатимизда энг кўзга кўринган йирик кадрлар тайёрлайдиган илм-таълим маскани ҳисобланади. Ҳудудимиздаги 24 таълим муассасасида 45 мингга яқин талаба-ўқувчилар таҳсил олмокда. Республикамизнинг турли вилоятларидан келган 10 мингдан зиёд талаба 15 та таълим муассасасига қарашли бўлган 38 та талабалар турар жойларида истиқомат қилади. Бешта мактабда 8580 нафар ўқувчи, саккизта мактабгача таълим муассасасида эса 1925 нафар болажон таълим-тарбия олмокда. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолининг аксарият қисмини пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар ва хизмат қилувчи ходимлар ташкил қилади.

5309 нафар профессор-ўқитувчилар, жумладан, 24 та академик, 323 нафар профессор, 452 та фан доктори, 776 та доцент, 1256 та фан номзоди, 2,5 мингга яқин ўқитувчилар талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Бундан ташқари, 8 мингга яқин ишчи-ходимлар фаолият кўрсатади. Тиббиёт академияси қошидаги биринчи ва иккинчи клиник шифохоналар, Республика Урология маркази, Республика кўз касалликлари шифохонаси ва кўплаб тиббиёт муассасалари ҳам шу ерда жойлашган. Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган мўъжазгина гўзал шаҳарчамизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ маърифат –тараққиёт мезони, деб қатъий белгилаб олинди. Зеро, юксак марраларни кўзлаган халқ учун, ҳар қандай миллат учун таълимни ривожлантириш бош масала бўлиб келган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, маънавият инсонни руҳан поклаииш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Дарҳақиқат, шундай тушунчаларни шаҳарча аҳлининг аксарият қисмини ташкил этадиган талаба-ёшлар онгига сингдиришда «Ёшлик» шаҳарчасида кўплаб маънавий-маърифий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, амалий-ижодий қизиқишларини қўллаб-қувватлаш борасида бир неча йиллардан буён Маънавият ва маърифат маркази фаолият юритиб келмоқда. Фарзадларимизни ташаббускорликка ўргатиш ва қўллаб-қувватлаш, раҳбарлик маҳоратини ошириш, онгига миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини сингдириш, раҳбар меҳнатини ташкил этиш, турар жойларда ўзини ўзи бошқаришни ташкиллаштириш ва яратилган шароитлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш мақсадида «Масофали ўқитиш маркази», «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» махсус курслари очилган. Шу кунгача шаҳарча ҳудудидаги таълим муассасаларининг 500 нафардан ортиқ талаба-ёшлари ушбу курсларда ўқиб, ўз малакасини оширган. Ўғил-қизларнинг иқтидорини янада шакллантириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Ўзбекистон Ватаним маним» мавзусида давра суҳбатлари, «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз», «Тиббий маданиятни ошириш», «Келажаги порлоқ юрт», «Ёшлигим – олтин даврим» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, ўқув йили якунлари сарҳисоби бўйича жамоат ишларида фаол қатнашган, ўзининг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган талаба-ёшлар «Энг фаол талабалар кенгашининг раиси», «Энг ташаббускор талаба», «Энг яхши талабалар турар жойи тарғиботчиси», «Энг фаол камолот етакчиси», «Энг ташаббускор қиз», «Энг яхши ижодкор талаба», шунингдек профессор-ўқитувчилар ҳамда ишчи-ходимлар «Намунали хизматлари учун», «Энг обод ҳудуд», «Энг яхши тарбиявий ишлар олиб борган декан ўринбосари» каби номинациялар бўйича шаҳарча ҳокимлиги томонидан тақдирланади.

– Шаҳарчамизда спортга алоҳида эътибор қаратилади, – давом эттирди Р.Чориев. – Ҳафтанинг чоршанбаси «Аёллар куни», пайшанба – «Тозалик куни», шанба – «Спорт куни» деб номланади ва шу мавзуда турли тадбирлар уюштирилади. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бунёдкорлик, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ҳудуддаги 30 минг дона гул кўчатлари, 226 мингдан зиёд мавсумий гуллар, беш минг туп манзарали, жумладан 400 дона игна баргли, уч минг терак кўчатлари, 50 та каштан, бошқа хил дарахтлар ўтқазилди. Тажриба хўжалигимизда олти мингдан зиёд арча, олти минг дона атиргул, 150 дона каштан кўчатлари парвариш қилинмоқда. Жорий йилда бир қанча янги объектларни ишга тушириш режалаштирилган. Турин политехника университети, «Акмал зиё» хусусий фирмаси томонидан ташкил этилган китоблар савдо мажмуаси, саккизта болалар майдончаси шулар жумласидандир. Истиқлол шодиёналарини шаҳарчамиз ҳудудида кенг нишонлаш мақсадида ҳар бир таълим муассасаси, корхона ва ташкилотларда алоҳида жадвал асосида очиқ майдонларда байрам тадбирлари ўтказиш режалаштирилган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шаҳарчамизда ҳаёт бирдай қизғин ва шижоатли қайнайди. Ёшларимиз ўқиб, изланиб, интилиб буюк келажак сари дадил қадам ташламоқда. Мустақиллик инъом этган неъматлар ҳаётимизнинг яхшиланишида, халқимизнинг фаровон турмушида, мамлакатимизнинг тараққиёти ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ватанимизнинг энг улуғ ва азиз байрами – Истиқлол кунини ҳар йили ўзига хос ютуқлар билан кутиб олишга ҳаракат қиламиз. Ватан мустақиллиги, ободлиги ва буюк келажаги ҳар нарсадан азиздир...

Дарҳақиқат, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, маданий-маърифий тадбирлар, бу масканда яратилган шарт-шароитлар ёшларимизнинг мустақил фикрлашида, онг ва тафаккур доирасининг кенгайишида, илмга бўлган қизиқишнинг кучайишида, қалбида она-Ватанига, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## ЭКОЛОГИЯ ВА МАҲАЛЛА

**Пойтахтимиз чиройини янада ошириш, унинг табиатини асраш, экологик барқарорликни таъминлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.**

Бу борада, маълумки, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

«Обод маҳалла — шаҳримиз кўрки» мавзусида Чилонзор туманида бўлиб ўтган давра суҳбати Экоҳаракат томонидан «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими билан ҳамкорликда уюштирилди. Тадбирда туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Тадбирда экологик барқарорликни таъминлашда маҳалланинг ўрни алоҳида эканлиги, шу билан бирга ҳар бир фуқаро масъуллиги таъкидланди. Маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор берилади, атроф-муҳитни чиқиндилардан тозалаш мақсадида ҳашарлар уюштирилади. Бироқ айрим ҳолларда фуқаролар билиб-билмай экологиянинг бузилишига сабабчи бўлиши мумкин. Биргина мисол: ёзнинг жазирама кунларида, хазонрезги куз фаслида хазонлар ёқилаётганлиги кузатилади. Табиийки, бундай ҳаракат аслида атроф-муҳитни тозалаш мақсадида амалга оширилади, лекин хазон тутунининг инсон саломатлигига салбий таъсири, қанчадан қанча заҳарли моддалар атмосферага чиқиши ҳақида ёққан киши ўйлаб ҳам кўрмайди. Тадбирда табиатни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан маҳаллаларда мутахассислар иштирокида мунтазам давра суҳбатлари уюштириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида соҳа мутахассислари иштирокида тадбир ўтказилди.**

Унда аҳолининг банд бўлмаган қатлами, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, ўрта махсус таълим муассасаларида ўғил-қизларимиз ҳар бир фандан пухта билим олиш қаторида турли хил мутахассисликларни эгалламоқда. Тадбирда таъкидланганидек, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бу борада бош бошқарма томонидан амалга оширилаётган ишлар салмоқли. Жорий йилнинг ўзида туманларда бир неча марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилди, бу жараён йил охиригача давом этади.

Тадбирда ҳар бир туманда корхона, ташкилот ва муассаса билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, бўш иш ўринлари юзасидан тегишли чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

## БАРКАМОЛЛИК — ҚАЛБ КЎЗГУСИ

**Мирзо Улуғбек туманидаги 225-мактабда ўтказилган маънавий-маърифий тадбир шундай номланди.**

Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбир халқ таълими бўлими, ўқувчилар ижодиёти маркази, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди.

Тадбир доирасида 118, 222, 225, 208-мактаб ўқувчилари ўртасида футбол, шахмат, шашка, стол тенниси, югуриш, волейбол, баскетбол, узоққа сакраш мусобақалари ҳамда «қувноқ эстафета» уюштирилди. Беллашувларда ўзининг чаққон ва эпчиллигини намойиш этган ёшлар совғалар билан тақдирланди.

«Нилуфар», «Ифор», «Истеъдод» рақс дасталари ижросида тайёрланган концерт дастури тадбирга янада файз бахш этди.

**Анвар ВАЛИЕВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 17.05.2010 йилдаги № 1-304/10-сон ижро варақасига асосан М.Улуғбек тумани МЧЖ «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 1999 йилда и/ч. дав.бел. 30 A 1510, бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 706 064 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 22.01.2010 йилдаги № 2-021-10-сон ижро варақасига асосан «Шайхонтоҳур Инвест» жарима майдончасида сақланаётган 2005 йилда и/ч. дав.бел. 11 V 6505, бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 506 268 сўм. Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмокда; 1.07.04.2010 йилдаги №1-351-сон ижро варақ. асосан 1990 йилда и/ч. дав.-бел. 10 P 8182, бўлган «Тайота карина» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3353747 сўм, 2.02.06.2010 йилдаги №1-439-сон ижро варақ. асосан 2007 йилда и/ч. дав.бел. P 704-CE86, бўлган «Тайота авансис» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 48 000 000 сўм, 3.16.02.2010 йилдаги №1-45-сон ижро варақ. асосан 1977 йилда и/ч. дав.бел. 30 C 0253, бўлган «СПГ Ваз-2103» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 476 028 сўм, 4.16.02.2010 йилдаги №1-45-сон ижро варақ. асосан 1987 йилда и/ч. дав.бел. 30 I 1541, бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 751 509 сўм, 5.25.05.2010 йилдаги №1-392-сон ижро варақ. асосан 1994 йилда и/ч. дав.бел. 01R 899 AA, бўлган «Доган S» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 500 000 сўм, 6.04.01.2010 йилдаги №1-53-сон ижро варақ. асосан 1996 йилда и/ч. дав.-бел. 10 G 2520, бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 000 000 сўм, .

Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмокда; 1.04.05.2010 йилдаги № 650-сон ижро варақ. асосан и/ч.йили номаълум дав.бел. йўқ, бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 885 439 сўм, 2.19.05.2010 йилдаги № 803-сон ижро варақ. асосан 2004 йилда и/ч. дав.бел.X 902 DXN, бўлган «Ваз-2107» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 724 049 сўм, 3.18.03.2010 йилдаги №201-сон ижро варақ. асосан 2002 йилда и/ч. дав.бел. X165PWM бўлган «ВАЗ-21102» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 861 082 сўм, 4.15.01.2009 йилдаги №39-сон ижро варақ. асосан 1995 йилда и/ч. дав.бел. X396ZNM бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 580 797 сўм, 5.15.06.2010 йилдаги №380-сон ижро варақ. асосан 1998 йилда и/ч. дав.бел. X634HTM, бўлган «Газ-3110» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 701 270 сўм, 6.13.01.2010 йилдаги №650-сон ижро варақ. асосан 1993 йилда и/ч. дав.бел. AB12VTM бўлган «Ваз-21099» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 473 805 сўм. Аукцион савдосига Пискент тумани СИБ томонидан Пискент тумани «МТП» ХЖ корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмокда; 1.04.06.2010 йилдаги № 11-1031/9904-сон ижро варақ. асосан 1998 йилда и/ч. дав.бел. 30-06 ЕД бўлган «МАГНУМ 8940» русумли трактор воситаси, бош. нархи – 25 000 000 сўм, 2. 04.06.2010 йилдаги № 11-1031/9904-сон ижро варақ. асосан 1999 йилда и/ч. дав.бел. 33-33 ЕД бўлган «КЕЙС-2022» русумли трактор воситаси, бош. нархи – 62 500 000 сўм,

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.03.2009 йилдаги № 10-0914/987- сон ижро варақасига асосан «Тошкент лифт» трестига тегишли 1-хонали умумий майдони 36 кв.м дан иборат бўлган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Қорасув кўчаси, 1а даха, 41-уй, 5-хонадон манзилида жойлашган нотурар жой биноси, бош. нархи – 22 400 000 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2009 йил 12 октябрдаги № 10-0907/13383 сон ижро варақасига асосан АЖ «Ўзулгуржисавдо» корхонасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт ва кўчмас мулк воситалари қўйилмокда:

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

| № | Мол-мулк тури | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|
| 1 | 2000 йилда и/ч. дав.рақами 10 UZ 662 бўлган ГАЗ-3102 русумли автотранспорт воситаси | 7 475 174 |
| 2 | 1997 йилда и/ч. дав.рақами 10 BD 725 бўлган НЕКСИЯ русумли автотранспорт воситаси | 8 237 998 |
| 3 | 1997 йилда и/ч. дав.рақами 10 AR 951 бўлган НЕКСИЯ русумли автотранспорт воситаси | 5 929 550 |
| 4 | 1997 йилда и/ч. дав.рақами 10 UZ 458 бўлган ДЭУ Супер Салон русумли автотранспорт воситаси | 9 811 258 |
| 5 | 1984 йилда и/ч. дав.рақами 10 AG 084 бўлган Мицубиси русумли автотранспорт воситаси | 9 795 629 |
| 6 | 1973 йилда қурилган майдони 961 кв.м дан иборат бўлган Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уйда жойлашган 3-қаватли маъмурий бино | 595 254 000 |

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 16 сентябр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 7 октябрь куни бўлиб ўтади.

**2010 йил 31 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда.** Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмокда: 1. 24.08.2009 йилдаги № 685-сон ижро варақасига асосан 1993 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. A 962 TZM бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 603 982 сўм, 2.24.08.2009 йилдаги № 684-сон ижро варақасига асосан қайси йилда ишлаб чиқ. ва дав.-бел. номаълум бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 4 317 000 сўм, 3.24.08.2009 йилдаги № 577-сон ижро варақасига асосан 1996 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 918UMM бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 4 304 702 сўм, 4.24.08.2009 йилдаги № 681-сон ижро варақасига асосан 1982 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. H 158 KM36 бўлган «Opel Kadet» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 884 026 сўм, 5. 24.09.2009 йилдаги № 1-219-сон ижро варақасига асосан 1988 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 084 AEN бўлган «Daimler Benz 230» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 8 273 532 сўм. 2. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 26.02.2010 йилдаги № 10-1007/286-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Пахтакор кўчаси, 5-уйда сақланаётган 1996 йилда ишлаб чиқарилган дав.-бел. 10 AA 101 бўлган «Газель 330210» русумли автотранспорт қўйилмокда, бошланғич нархи – 12 149 100 сўм. 3.Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 12.02.2009 йилдаги № 2944/2-сон ижро ҳужжатига асосан И.М.Ярматовага тегишли бўлган ер майдони 510,569 кв.м., дан иборат бўлган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Маткабулов к.ф.й., Марказий кўчасида жойлашган 269-уй турар жой (ҳовли) қўйилмокда, бошланғич нархи – 32 651 312

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қуйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралда қабул қилинган «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида транспорт воситаларини ушбу ёнилғиларга ўтказиш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда.**

Қарор ва ижро

## ЁНИЛҒИ ТЕЖАМКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Иқтисодиётимизнинг ўсиши, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши ва автомобилларнинг кўпайиши ёнилғига, жумладан, суюлтирилган ва сиқилган газга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортишига олиб келмоқда. Бу жойларда транспорт воситаларини сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газида ишлаши учун қайта жиҳозлаш ташкилотлари ҳамда газ билан таъминлаш шохобчаларини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

– 2007-2009 йиллар мобайнида мамлакатимизда автомобилларни компрессор воситасида сиқилган газ билан тўлдирувчи 63, суюлтирилган газ билан тўлдирадиган 342 шохобча фойдаланишга топширилди, – дейди ЎзА мухбирига «Ўздавнефтгазинспекция»нинг марказий инспекторлик бўлими бош технологи Мирсобит Обидов. – Ҳозирги кунда юртимизда 124 сиқилган ва 616 суюлтирилган газ қуйиш шохобчалари фаолият юритмоқда. Янгиларини барпо этиш ишлари давом этмоқда.

2007-2009 йилларда юздан зиёд ташкилот томонидан жами 47 мингдан ортиқ автомобиль суюлтирилган, 49 мингдан кўпроқ транспорт воситаси эса сиқилган газга ўтказилди. Бу жараёнда хавфсизликни таъминлаш, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мутахассислар томонидан автомобилларга газ қуйиш компрессор шохобчаси тизимининг янги авлоди ҳамда газ савдосини янги технологиялар асосида марказлашган ҳолда назорат қилиш бўйича тақдим этилаётган замонавий усуллар, хусусан, «SMART CARD» карточкали ва «SMART PATRUL» ягона электрон-ахборот тизимини жорий этиш орқали суюлтирилган ва сиқилган газга жиҳозланган автотранспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш даражасини янада оширишга эришиш мумкин. Шу боис уни ҳаётга кенг жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Автомобилларнинг газда ҳаракатланиши транспортнинг двигатель мойи алмаштириш ҳамда айрим эҳтиёт қисмларининг ишлаш муддатини узайтириш баробарида тежамкорликни таъминлайди. Бошқача айтганда, автомобилларнинг сиқилган газга ўтказилиши ёқилғи харажатларини 4,4 баробар камайтиради.

Ҳозирги кунда жойлардаги автомобилларни газга қайта жиҳозлаш ташкилотларида транспорт воситаларига Аргентина, Италия, Жанубий Корея, Россия, Украина каби давлатлардан келтирилган, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан мувофиқлик сертификати берилган газ баллон ва мосламалари ўрнатилмоқда. Уларнинг ишлатиш муддати 10 йилдан 20 йилгача. Тегишли ташкилотлар томонидан улар ҳар уч йилда қайта синовдан ўтказилиб, бу ҳақда ҳайдовчига далолатнома берилади.

Юртимизда газга ўтказилган автомобиллар, улар хизматидан фойдаланаётган ҳайдовчи ва йўловчилар, ён-атрофдаги одамлар хавфсизлигини таъминлаш доимий эътиборда. «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг газни назорат қилиш тармоқ инспекцияси бошлиғи Ҳикматилла Юсуповнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказилган минглаб автотранспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилган. Автомобилларни газга қайта жиҳозлашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ҳамда газ қуйиш шохобчалари ходимларининг малакаси оширилмоқда, жойларда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида қарийб 140 сиқилган ва суюлтирилган газ қуйиш шохобчасидаги асбоб-ускуналарнинг амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқлиги ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Тегишли идоралар вакилларидан тузилган ишчи гуруҳлари томонидан талабга жавоб бермайдиган ёки ноқонуний равишда газ баллон ўрнатган ҳамда автомобилларни газ билан тўлдирган корхона ва шохобчаларни аниқлаш, газга мослаштирилган автомобилларни йўлларда ҳаракатланишини назорат қилиш бўйича рейдлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасидан маълум қилишларича, ҳар бир автомобиль газда ишлаши учун қайта жиҳозлангандан кейин транспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномасига махсус белги қўйилади. Агар газда юрадиган автомобилнинг қайд этиш гувоҳномасида ана шу белги бўлмаса, йўл-патруль хизмати инспекторлари ҳайдовчига нисбатан ўрнатилган тартибда чора кўради.

Бу борадаги ишлар, ўз навбатида, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари харажатларини, дизель ёнилғиси ва автобензин сарфини камайтириш борасида катта имкониятларни яратади. Шунингдек, атроф-муҳитга заҳарли газлар чиқишини кескин камайтириб, ҳаракат ва саноат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Холмурод САЛИМОВ**



Хайрли ташаббус

## ВЕЛОМАРАФОН ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

**«Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спортга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида «Камолот» веломарафони ташкил этилди.**

Ёшлар веломарафони уч йўналиш бўйича ўтказилди. Биринчиси Нукус — Урганч — Навоий — Бухоро — Самарқанд — Жиззах — Гулистон — Тошкент, иккинчиси Термиз — Қарши — Самарқанд — Жиззах — Гулистон — Тошкент, учинчиси Фарғона — Андижон — Наманган — Қўқон — Ангрен — Тошкент доирасида ўтди.

Биринчи йўналишга 9 август куни старт берилган бўлса, иккинчи ва учинчи йўналишлар 10 август куни бошланди. Марафончилар бир кунда 100-130 км масофани босиб ўтиб, учинчи йўналишда Марғилондаги «Ёшлар боғи»дан йўлга тушди. Бутун водийни кезиб чиққач, марафончилар Қамчиқ довони орқали Тошкент шаҳрига кириб келишди.

Тадбирда профессионал велопойгачилар билан биргаликда ҳаваскорлар, маҳалла ёшлари ҳам иштирок этмоқда. Веломарафон доирасида чекка ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, маҳорат машғулотларини ўтказиш бўйича тегишли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирларга минглаб ёшлар қамраб олинди. Учта ҳудуддан йўлга чиққан спортчилар барча вилоятларни босиб ўтиб, 15 август куни Тошкент шаҳрида бирлашишди.

Веломарафон давомида жойларда таниқли спортчилар, соҳа мутахассислари, санъаткорлар, маданият ходимлари давра суҳбатлари, учрашувлар, бошқа бир қатор маданий тадбирлар ўтказилди. Ҳар бир вилоят кесимида икки-уч мингдан ёшлар қатнашди.

Турнирда фаол қатнашган ёшлар «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**И.ДИЛШОДОВ**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

Спорт янгиликлари

## ОЛИМПИАДАНИНГ ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАРИ — КУРАШЧИЛАРДА

**Полвонларимиз Нурбек Ҳаққулов ва Руслан Комилов кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.**

Сингапурда бошланган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпия ўйинларида иштирок этаётган спортчиларимиз терма жамоамиз ҳисобига бир жуфт медаль келтирди.

Беллашувларни, деб хабар беради ЎзА, биринчилардан бўлиб бошлаган юнон-рум курашчилари мухлису мутахассисларимиз ишончини оқлади. Самарқанд олимпия заҳиралари спорт коллежи талабаси Нурбек Ҳаққулов қирғизистонлик Шодибек Сулаймоновни 3:0, норвегиялик Паал Эрик Гундерсонни 4:0, жазоирлик Амин Боугхазийни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўсмирлар Олимпиадасининг кумуш медалини қўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони Руслан Комилов эса терма жамоамизга биринчи бронза медални келтирди. Умидли спортчимиз мусобақа давомида Жанубий Корея вакили Жунг Хеонг Чойдан 3:1, арманистонлик Варос Петросяндан 3:0 ва америкалик Лукас Шеридандан 3:1 ҳисобида устун келди ва шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

## ЯРИМ ФИНАЛГА БИР ҚАДАМ

**Аввал хабар берганимиздек, АҚШнинг Цинциннати шаҳрида ўтказилаётган WTA таснифидаги нуфузли халқаро теннис турнирида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Оқгул Омонмуродованинг ярим финал йўлланмасини қўлга киритишига бир қадам қолди.**

Навбатдаги беллашувда Оқгул жаҳон теннисчилари таснифида иккинчи ўринда бораётган сербиялик Елена Янкович билан куч синашди. Қизиқарли ва муросасиз кечган беллашув 7/6 (3), 6/4 ҳисобида ҳамюртимизнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди. Елена Янкович ўтган йилги Цинциннати турнирининг ғолиби эканлигини ҳисобга олганда, ҳамюртимизнинг ушбу ютуғи катта аҳамият касб этишини ҳис қилиш мумкин.

Энди Оқгул ярим финалга чиқиш учун яна бир сербиялик спортчи Анна Иванович қаршилигини енгиб ўтиши лозим.

Елена Янкович билан кечган беллашувидан аввал Сербия вакили Бояна Йовоновскини 6/2, 6/0 ҳисобида осонгина енга олган Оқгул Омонмуродовага зафар ёр бўлсин деймиз.

## ЁШЛАР СИНОВДАН ЎТДИ

**Футбол бўйича Осиё чемпионатига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Марат Кабаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Испаниянинг Валенсия шаҳрига жўнаб кетган эди.**

Валенсия шаҳрида Ўзбекистон жамоаси «В» гуруҳида Эквадор терма жамоаси, «Вильяреал» (Испания) ва «Этуал Лузитон»(Сенегал) жамоалари билан ғолиблик учун кураш олиб боради.

Турнирнинг «А» гуруҳидан Канада, Гвинея, Испания ва Бразилия терма жамоалари ўрин олган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

Ҳар кишиким, бўлди
балo ҳамдами,
Йўқтур анинг зарра
ўлумдин ғами.
* * *
Ҳар неки бор барчаси
фоний бўлур,
Боқий қолур дунёда
номи карам.
* * *
Кимдаки, бор лутфу
карамдин нишон,
Ўлса ўзи оти қолур жовидон.
* * *
Эл била қил дунёда
яхши маош,
Қилма ёмонлиқ била
отингни фош.
* * *
Билса бўлурким,
эрур ул некбахт,
Сўзламади ҳеч кишига
пасту сахт.
* * *
Айтмағил ул одамини
сен киши,
Умри кечиб, қилмади жуз
нафс иши.
* * *
Боғласа ҳиммат камарин
мўр-и ланг,
Рустами достон била
айлар набард.
* * *
Рост керак одамиға эътиқод,
Эгри киши топмади
ҳаргиз мурод.
* * *
Ўқ киби ҳар кишиким
бўлса туз,
Тангри қилур барча
ишини тўкуз.
* * *
Улким, эрур соф дилу рострав,
Ҳимматиолдинда жаҳон
ҳам чу жав.

(«Маҳобҳорат» достонидан)

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ЦИРК

ЦИРК 28 ЦИРК

АВГУСТДА

ЯНГИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ

Манежда Мустақиллик байрамини нишонлашга бағишланган катта ранг-баранг дастур



Касса:
Тел: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23. www. Sirk.uz



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2765 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Буюртма Г- 706

Топширилган вақти: 15.55